



ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЗИММАМИЗДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ

ҳар биримиздан қатъийлик ва фаоллик талаб этади

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМИДА БУ ФИКР БОТ-БОТ ТАКРОРЛАНДИ.

УНДА ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, СЕНАТОРЛАР, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, «ФАОЛ АЁЛЛАР» ВА «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



Пленумда дастлаб Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида билдирилган фикрлар, илгари сурилган вазифалар ижроси юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Партия ташкилотлари,

депутатлар фаолиятига танқидий баҳо берилди.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ҳамда Ўзбе-

кистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловлар партиямиз учун жиддий имтиҳон ва катта тажриба мактаби бўлганини таъкидлади.

► Давоми 2-бетда.

Эътироф

Мен ҳар сафар мамлакатингизга зўр иштиёқ ва завқ-шавқ билан келаман. Ёш ва изчил равнақ топиб бораётган давлат ҳисобланадиган Ўзбекистон таълим соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу борадаги изчил ислохотлар, жумладан, яқиндан бошлаб мактабларнинг биринчи синфида инглиз тилини ўқитишнинг йўлга қўйилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистон — биз учун ишончли, вақт синовидан ўтган шेरлик, биз унга тўла ишонамиз.

Майкл Берд, Британия Кенгашининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори (Буюк Британия).

СЎЗ — ЎзХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

Партиянинг жамиятдаги мавқеи

депутатлар фаоллиги орқали мустаҳкамланади

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини изчил ислох қилиш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Концепцияда белгилаб берилган вазифалар асосида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун янада кенг шароит яратилмоқда.



Олим РАВШАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

Масалан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши Концепцияда илгари сурилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Унга кўра, партия гуруҳларининг ваколатлари янада кенгайди. Эндиликда партия гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг

ўз фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар Кенгашларининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга бўлди.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА БУГУН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА? БУ БОРАДАГИ ЮТУҚЛАР, КАМЧИЛИКЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ? УШБУ МАСАЛАДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БОР?

МАЗКУР САВОЛЛАРГА ЎзХДП ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ МАҲМУДЖОН МАҲКАМОВНИНГ ЖАВОБЛАРИНИ КУТАМИЗ. БУ ҲАҚДАГИ МАҚОЛА ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 2 МАЙ СЕНИДА ЧОП ЭТИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси келгусида ҳам аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари ташкил этиш дастурларининг асосий параметрларини ишлаб чиқишда фаол қатнашади ва уларнинг жойларда ижро этилиши устидан самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини давом эттиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТ ЭТГАН ЭДИМ...

Мутахассислигим бўйича ишга жойлашишимга ёрдам беришди

Касб-хунар коллежини тамомлаганман. Мутахассислигимга мос иш топишда бироз қийналдим. Шунда курсдошларимдан бири ЎзХДП туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига боришимни маслаҳат берди. У ерда мени яхши кутиб олишди, суҳбатлашди. Мени фуқароларни қабул қилиш китобига қайд этиб қўйишди, яшаш манзилим, мутахассислигим ва телефон рақамимни ёзиб олишди.

Орадан икки-уч кун ўтиб, менга партия фаоллари кўнгироқ қилишди. Мутахассислигим бўйича иш топишгани, иш бошлашим мумкинлигини айтишди. Тўғриси, жуда қувондим. ЎзХДПга ишончим ортди.

Айни пайтда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими-

да етакчи мутахассис вазифасида меҳнат қилаётганман. Ишимдан жуда мамнунман.

Шундан сўнг бир нарсга амин бўлдим. ЎзХДПнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари шунчаки расмийлик учун ташкил этилмаган. Ушбу қабулхоналар партия электорати, аҳоли билан алоқаларни янада яхшилаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситасига айланган, десам, хато бўлмайди. ЎзХДП дастури билан яқиндан танишдим. Менга маъқул бўлди. Шундан сўнг ариза билан туман партия кенгашига мурожаат қилдим. Чунки, ўзим хайрихоҳ бўлган сиёсий куч сафида бўлишни истайман. Ердамга эҳтиёжманд одамларга менинг ҳам нафим тегсин, дейман.

Фахриддин УСМОНОВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бахмал туман бўлими мутахассиси.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН СЎРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА «ИСТИҚБОЛ» — ЮСАК МАРРАЛАР САРИ» ЁШЛАР ФОРУМИ ЎТҚАЗИЛМОҚДА.

Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, уларга ижтимоий ва амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга қўмаклашиш мақсадида ташкил қилинган мазкур форумнинг якуний финал босқичи жорий йил 24 апрель куни Термиз шаҳрида Термиз давлат университети бош биносидан соат 10:00 да очилиши режалаштирилган.

Депутат таклифи ва ташаббуси

электорат манфаатларига хизмат қилсин 2

Тинчликдан улуғ неъмат йўқ

дейди хоразмлик уруш қатнашчиси, 95 ёшли Искандар ота Яхшибоев 3

БУГУН — ХАЛҚАРО КИТОБ ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Кутубхона — маънавият маскани 4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ мамлакатимиз тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун сарфлайлик

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЗИММАМИЗДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ

ҳар биримиздан қатъийлик ва фаоллик талаб этади

— 2014 йилги сайловда Тошкент вилояти бўйича партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3 нафар, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига 16 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 202 нафар депутат сайланди, — деди **вилоят партия кенгаши раиси**. — Олдимизда долзарб вазифалар турибди. Биринчи навбатда, фаолиятимизни танқидий кўриб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида озчиликни ташкил этган партия гуруҳлари фаолиятини талаб даражасида изчил йўлга қўйишга эътибор қаратишимиз лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишлари муҳокамасига депутатлик бирлашмаларининг таклифларини мунтазам киритиб бориш, электротартиб ўйлантираётган масалалар ва ижтимоий соҳаларга бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширади.

Мақсуда Ворисова, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати:

— Президентимиз парламент фаолиятининг энг катта камчиликларида бири сифатида депутатларнинг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти суст эканини ўринли танқид қилган эди. Шундан келиб чиқиб, бу йўналишдаги фаолиятимизни янада жонлантиришимиз, айниқса, партия гуруҳлари ва парламентдаги фракциямиз ҳамкорлигини кучайтиришимиз керак. Бунинг учун депутатларнинг партия дастурий максадлари ва сайлов олди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари кўпайиши талаб этилади.

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2015-2019 йиллар учун мўлжалланган Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Унда электротартиб манфаатига хизмат қиладиган муҳим йўналишлар белгиланган. Биз депу-

татлар ушбу дастурнинг бажарилишида асосий масъулиятни ўз зиммामизга олишимиз зарур.

Улугбек Абдуназаров, ЎзХДП Бекобод шаҳар кенгаши раиси:

— Бошланғич партия ташкилотлари фаолиги партиянинг жамиятдаги нуфузи ошишида муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда Бекобод шаҳридаги 1800 нафарга яқин партия аъзоси 48 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Улар билан ҳамкорликда мунтазам йиғилишлар, давра суҳбатлари, сиёсий ўқув ва семинар-тренинглар ўтказиш йўлга қўйилган. Аммо тан олиш керак, барча бошланғич ташкилотларни сиёсий ўқувлар билан қамраб ололганимиз йўқ. Баъзи ҳолларда ўқувлар ўтказиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тадбирларни юқори савияда ўтказишда тарғибот гуруҳларимиз, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз имкониятидан етарли даражада фойдалана олмаганимиз. Шундан келиб чиқиб, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни бошланғич ташкилотларнинг ўзидан тизимли равишда ташкил этишимиз зарур. Бу партия аъзоларининг сиёсий ҳуқуқий билимининг янада ошириш, амалга оширилаётган ислохотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Пленумда кун тартибидagi масалалар юзасидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев, «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати Нурмухаммад Абдуллаев, «Истикбол» ёшлар қаноти фаоли Нозигул Тўлаганова** сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Партия ташкилоти олдида турган кенг қўламли вазифаларни самарали амалга ошириш борасида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар белгиланган.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Электротартиб қийнаётган масалаларни изчил ўрганиб бориш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш партиямизнинг нуфузини оширади. Бу борада депутатлик ваколатларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш лозим.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида вилоят партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг фаолияти танқидий таҳлил этилди, энг муҳим йўналишлар белгиланган.

Дастлаб Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, уларни амалга оширишда ЎзХДП ташкилотларининг иштироки масаласи бўйича **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Чори Жумақуллов** ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Юртбошимиз маърузасида эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкинлиги таъкидланди: **Демак**, бундан тегишли хулоса чиқариб, ишимизга танқидий баҳо берсак, электротартиб манфаатларини ҳимоя қилишда амалий ютуқларга эришамиз.

Бўлиб ўтган сайловлар ЎзХДП вилоят ташкилоти учун ҳам катта сиёсий синов вазифасини ўтади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига вилоят бўйича партиямиздан 2 нафар, халқ депутатлари вилоят Кен-

гашига 17 нафар ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларига 128 нафар депутат сайланди. Электротартиб қийнаётган масалаларни изчил ўрганиб бориш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш партиямизнинг нуфузини оширади. Бу борада депутатлик ваколатларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш лозим. Шу билан бирга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида мансабдор шахсларнинг ижтимоий масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

— Кўмқўрғон туманида партиямизнинг 51 бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, — деди **ЎзХДП Кўмқўрғон туман кенгаши раиси Мамаражаб Номозов**. — Икки минг нафарга яқин партия аъзоси бор. Ҳозир аъзолар ва бошланғич партия ташкилотлари сонини кўпайтириш ҳаракатидамиз. Бошланғич ташкилотлардаги кадрлар малакасини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Етакчиларни шунчаки ўқитиш эмас, балки уларда ташкилотчилик ва ташаббускорлик фазилатларини ўстиришга эътибор бериш лозим.

— Ҳар бир депутат, аввало, ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхши билиши, юзага келаётган маса-

лаларни чуқур ўрганиши, айни пайтда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар билан чиқиши зарур, — деди **Шўрчи маиший хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Райхона Раҳимова**. — Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар ваколатларидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Чунки доимий комиссиялар ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган масалалар ечими бўйича амалий таклифларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Сессия муҳокамасига ҳам тегишли масала доимий комиссия орқали киритилди. Шу боис партиямиздан сайланган ҳар бир депутат, аввало, ўзи аъзо бўлган доимий комиссияда электротартиб манфаати билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими бўйича ташаббус кўрсатиши керак бўлади.

Пленумда, шунингдек, **«Истикбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Суннатилло Бозорбоев** ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибидagi масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Пленум якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СЎЗ — ЎзХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

Партиянинг жамиятдаги мавқеи

депутатлар фаолияти орқали мустақамланади

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, авваломбор, сиёсий партияларнинг келгусида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва масъулиятини янада оширади. Бундан ташқари, партия дастурий максадларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишдаги масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бугунги давр ҳар бир сиёсий партия ва унинг фаолларидан ташаббускорликни талаб этади. Сабоби, давр билан ҳамнафас бўлмаган партия жамиятда ўз мавқеини йўқотиши мумкин. Шу маънода партия ташкилотларимиз ўз фаолиятларини бугунги талаблар асосида ташкил этишга, доимий хабардорлик ва ҳамкорлик тамойили асосида ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон ХДПнинг Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан партия ташкилотларимиз ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз ташаббус билан ўтган қаҳриқда биргина 2014 йилнинг ўзида 8 та масала партия гуруҳи йиғилишида, 17 масала доимий комиссия мажлисида, 2 масала эса сессияда муҳокама қилинган. Хусусан, вилоят Кенгашидаги партиянинг гуруҳининг йиғилишида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси юзасидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ўрта махсус, касб-хунара таълими бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилди.

Ўтган йили Қарши шаҳар партия кенгаши ташаббусига кўра, имконияти чекланган болаларни таълим муассасалари ва уйда ўқитилишининг аҳоли тўғрисидаги масала халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинди. Шунингдек,

Касби туман партия кенгаши томонидан аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи таъминланишини янада яхшилашга доир масала туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди. Ушбу масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўтган йилги сайловлар партиямизнинг вилоятдаги ўрни ва нуфузини яна бир бор намоён этди. Халқ депутатлари вилоят ҳамда кўплаб шаҳар ва туман Кенгашларида депутатлик ўрни бўйича бошқа партияларга нисбатан юқори мавқега эга бўлди. Бу, ўз навбатида, масъулиятни янада оширишни ва депутатларимиз кучидан тўла фойдаланиб, партиямиз нуфузини тобора юксалтиришни тақозо этади.

Партия гуруҳларининг ўз фаолиятини самарали ташкил этишда партия ташкилотларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Айнан улар аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни бартараф этишда депутатлик бирлашмаларига ҳар томонлама кўмак берадиган асосий воситалардан биридир.

Партия гуруҳининг фаолиги унинг таркибидagi депутатларнинг, аввало, ижтимоий-сиёсий соҳадаги билими, малакаси ҳамда ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки депутат аҳолини қийна-

Партия гуруҳларининг ўз фаолиятини самарали ташкил этишда партия ташкилотларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Айнан улар аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни бартараф этишда депутатлик бирлашмаларига ҳар томонлама кўмак берадиган асосий воситалардан биридир.

ётган ҳар қандай масалани ҳукумат даражасига олиб чиқа оладиган масъул шахсдир. Бундан кўринадик, партия гуруҳларининг ваколатлари жуда кенг. Шундай бўлса-да, уларнинг барчаси ҳам бу имкониятлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этишда уларнинг фаолиги сезилмаяпти. Бундан ташқари, бошланғич пар-

тия ташкилотлари ишини самарали ташкил этиш, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўз сайловчилари билан алоқасини янада мустақамлаш лозим.

Бу борада ўзимизнинг айрим мулоҳазаларимиз билдириб ўтмоқчиман. Маълумки, кейинги йилларда партия гуруҳларининг нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, 2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини

лашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилиши белгиланган. Қонундаги шу ва бошқа меъёрлар сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги ўрни ва мавқеини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, хусусан, сиёсий партиялар гуруҳларининг маҳаллий Кенгашдаги ўрни, нуфузини янада ошириш лозим. Бу доимий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш, сессия кун тартибига киритилган масалаларни пухта тайёрлаш билан боғлиқ вазифаларнинг самарали амалга ошириш, депутатлар масъулиятини ҳамда сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат янада кучайишига хизмат қилади.

Сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги давр ҳар биримиздан кўпроқ амалий ишлар қилишни тақозо этмоқда. Бунинг учун аниқлаш партия ташкилотларимиз, депутатларимиз, фаолларимиз бугун кечигидан, эртага бугунгидан кўра яхшироқ фаолият кўрсатишга ҳаракат қилишлари лозим.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Депутатлар бирон масалани ўрганиш, уни ҳал этишда қонунчиликда белгиланган турли механизмлардан фойдаланади, таклифлар, ташаббуслар билан чиқади. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари, доимий комиссиялар йиғилишлари муҳокамасига масалалар киритиш, уларни сессияларда кўриб чиқиш, қарорлар қабул қилиш, депутатлик сўровларидан фойдаланиш, Жамоатчилик қабулхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш сингари воситаларнинг ўрни ва аҳамияти катта, албатта.

ДЕПУТАТ ТАКЛИФИ ВА ТАШАББУСИ

электротартиб манфаатларига хизмат қилсин

Айни пайтда Жиззахда партиямиздан сайланган 12 нафар вилоят, 115 нафар шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида партия аъзоларини тарғиб қилиш, дастурий максадларимизни амалга оширишда маҳаллий кенгашларимизга яқиндан ёрдам бераётганлар кўпчилигини ташкил этади. Бундай фаол депутатларимизнинг таклифлари, ташаббуслари асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалалар партия гуруҳлари, доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилиб, сессиялар кун тартибига киритилапти.

Ўтган ойда халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Абдунаби Абдурахмоновга Кангли кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Уяч кишлоқидан бир гуруҳ фуқаролар ичимлик суви масаласида мурожаат қилишди. Депутат мутахассисларни жалб этган ҳолда масалани жойида ўрганиб чиқди ва мутасадди корхона-ташкилотларга депутат сўрови юборди. Қисқа вақт ичида кишлоқда ичимлик суви билан боғлиқ муаммо ўзининг ижобий ечимини топди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Хидир Шукуров томонидан вилоят ҳудудида коммуникация тармоқларига уланган, етарли ер майдонига эга бўлган, лекин хозирги кунда бўш турган биноларни ўрганиш, имкони бўлса, улардан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳақида таклиф киритди. ЎзХДП вилоят кенгаши унинг бу таклифини қўллаб-қувватлади. Натижада ўнлаб шундай бинолар мавжудлиги маълум бўлди. Улар негизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастур тайёрланди. Масала аввал доимий комиссия йиғилишида муҳокама қилинди. Сўнгра халқ депутатлари вилоят Кенгашида кўриб чиқилди. Сессия депутатнинг таклифи ҳамда ЎзХДП вилоят Кенгашининг бундан ташқари, уларни хушроқликка чорлайдиган воситага, жамоатчилик назоратининг муҳим ва таъсирчан усуллари билан айланди.

Диёр МУРОДОВ, ЎзХДП Жиззах вилоят Кенгаши раиси ўринбосари.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.



АҲОЛИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЯШАЙДИГАН ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ, НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА УЙ-ЖОЙЛАР ВА ИНФРАТУЗИЛМА ТАРМОҚЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДАСТУРЛАРИНИНГ ИЖТимоий АҲАМИЯТИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ, БУ БОРАДА ЖАМОАТЧИЛИК ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР.



БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, АЙНИҚСА, КАСБ-ХУНАРА КОЛЛЕЖЛАРИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ЎЗ МУТАХАССИСЛИГИГА МУВОФИҚ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ПАРТИЯМИЗНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР.

■ АЙНИ ВАҚТДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ХУДУДИДА ОЛТМИШ ЁШДАН ОШГАНЛАР 2 МИЛЛИОН 873 МИНГ, САКСОН ЁШДАН ОШГАНЛАР 225 000 МИНГ, 90 ЁШДАН ОШГАНЛАР 44 000 МИНГ, 100 ЁШДАН ОШГАНЛАР 8 700 НАФАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

ЭЪЗОЗ ВА ЭХТИРОМ

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР, ЕТМАГАНЛАР БОР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирокида тадбир ўтказилди.



Фаррух АЛИЕВ билан сураётлар.

9 май — Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимилиги ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уруш ва меҳнат фронти фахрийларини эъзозлаш ва қадрлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси Фарида Абдурахимова, «Нуроний» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Усмонов ва бошқалар мамлакат-

мизда ёши улуг кишиларга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш, уларга муносиб турмуш шaroити яратиш, қучли ижтимоий муҳофазалаш масаласига катта аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

ҳамда «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонлари бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сўхат саломатлигини, яшаш шaroитини янада яхшилаш ишлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборидаги муҳим масала ҳисобланади, — дейди «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раиси Асрор Мирзахмедов. — Бу хайрли ишга барча жамоат ташкилотлари қатори фондимиз ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бугунги тадбирда ҳам кексаларимизга қўндалик турмушда зарур бўладиган маиший техника буюмлари совға қилдик. Бундан кейин ҳам уларни доридармон, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишларини давом эттирамиз.

Тадбирда уруш ва меҳнат фронти фахрийларига «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали топширилди.

Ўз мухбиримиз.

СПОРТ



«Насаф»нинг муҳим ғалабаси

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг навбатдаги учрашувлари ўтказилди.

«Насаф» жамоаси сардори Артур Геворкян мувозанатни тенглаштирди. Орадан ўн икки дақиқа ўтгач, у яна бир бор маҳорат кўрсатди — 1:2. Бу муҳим ғалаба қаршиликларга мусобақанинг кейинги босқич йўлланмаси учун курашни давом эттириш имкониятини берди. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда «Ал-Ахли» (Саудия Арабистони) — «Ал-Ахли» (Бирлашган Араб Амирликлари) жамоалари дуранг ўйнади — 3:3.

«Д» гуруҳидаги вазият

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Ал-Ахли» (С. Арабистони)	3	2	0	11-7	11
2. «Насаф» (Ўзбекистон)	2	1	2	5-5	7
3. «Ал-Ахли» (БАА)	1	2	2	5-6	5
4. «Тракторсози» (Эрон)	1	1	3	5-8	4

Гуруҳдаги охириги тур баҳслари 5 май кuni ўтказилади. Шу кuni «Насаф» ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Ахли» жамоасига қарши майдонга тушса, иккинчи ўйинда «Ал-Ахли» (БАА) — «Тракторсози» (Эрон) жуфтлиги ўзаро рўбарў келади. Ҳамюртларимизнинг кейинги босқичга йўлланма олиши учун навбатдаги учрашувда фақат ғалаба зарур. Мамлакатимизнинг яна бир жамоаси — «Локомотив» футболчилари эса сўнгги турда ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Хилал» вакилла-

рига ютқазиб, кейинги босқичга чиқиш имкониятини қўлдан бой берди. — 1:2.

Шунингдек, кеча Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Эронда «Нафт» (Техрон), «Бунёдкор» аъзолари эса ўз майдонида «Ал-Наср» (Саудия Арабистонда) жамоаси билан куч синашди.

Пахтакорчилар сафарда 1:1 ўйнаган бўлса, «Бунёдкор» рақибига ютқазиб қўйди — 0:1.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БУГУН — ХАЛҚАРО КИТОБ ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Кутубхона — маънавият маскани

■ Бундан йигирма йил муқаддам, яъни 1995 йилда ЮНЕСКОнинг 28-конференциясида 23 апрель — Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кuni деб эълон қилинган эди. Бу сана ҳар йили бутун дунёда маърифат кuni сифатида нишонланади.

Шу муносабат билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Асаджон ХУҲАЕВ билан мазкур маърифат маскани фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот ресурс марказининг бугунги кундаги босма ва электрон кўринишдаги ресурслар фонди қарийб етти миллион нусхасини, фойдаланувчилар сонини юз минг нафарга яқини ташкил этади, — дейди у. — 2014 йилда кутубхонага 27 минг 719 нафар киши аъзо бўлди. Бундан ташқари кутубхона веб-сайтидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

— Ҳозирги электрон технологиялар, интернет хизматлари тараққиёти даврида кутубхонадаги мавжуд манбаларни электрон тартибга ўтказиш жараёنлари хусусида маълумот берсангиз?

— Миллий кутубхонамизда автоматлаштириш жараёнларини жорий этиш, электрон ресурсларни яратиш бўйича электрон библиография ва тўла матний электрон нашрлар ташкил этилди. 2014 йил мобайнида сканерлаш ва нусха кўпайтириш хизмати томонидан кўп сураладиган ҳамда янги адабиётларнинг электрон нусхасини яратиш бўйича доимий иш олиб борилади, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар, қўлёзмалар 116 тани, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1958-2014 йиллар оралиғидаги, «Ўзбекистон ижтимоий фанлари» журналининг 1961-2014 йиллардаги сонлари 849 тани ташкил этди.

Миллий кутубхона томонидан ҳар йили октябрь ойида ахборот-кутубхона ҳафта-

лиги ташкил қилинади. 2014 йил ўтказилган аънаванавий ҳафталик доирасида ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари фаолиятида ахборот муҳитини янада шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ягоналикни таъминлашда рақамли макон ва замонавий медиа контентни ривожлантириш ҳамда билимларни омалаштириш ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш каби масалалар кўриб чиқилди. Бундай тадбирлар Миллий кутубхонанинг расмий веб-сайти www.natlib.uz ҳамда электрон оммавий ахборот-воситаларида ёритилиб борилади.

— Кутубхонага аъзо бўлиш тартиби ва хизмат турлари ҳақида ҳам тушунча берсангиз?

— Миллий кутубхонага 12 ёшдан бошлаб чегараланмаган ёшгача аъзо бўлиш мумкин ва бунда ҳеч қандай тўлов олинмайди. Лекин уларга аъзоларини тасдиқловчи ID пластик картчалар тақдим этилади. Уч йилгача фойдаланиш муддати билан бериладиган, қалин ёки қоғозга ламинация қилинган оқ-қора тасвирли картонка учун тўртбеш минг сўм, рангли картонка учун тўққиз минг сўм миқдорида тўлов амалга оширилади.

Миллий кутубхона расмий веб-сайти орқали интерактив давлат хизматлари орқали фойдаланувчиларга сифатли ва кенг миқёсида хизмат кўрсатиш шарт-шaroитлари мавжуд. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, таркиби, функциялари ва асосий фаолияти, уларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги, илм-фан, таълим, ахборот ва мадания-

т соҳаси бўйича қизиқишларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган хизматлардан фойдаланишга имкон яратилган.

Замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, ихтисослаштирилган кутубхоналар рўйхати, кутубхонанинг электрон каталогидан фойдаланиш ва адабиётларга буюртма бериш каби хизматлар тақдим этилган.

— Халқаро алоқалар хусусида ҳам тўхталсангиз?

— Миллий кутубхона Поляша, Қозғистон, Озарбайжон, Миср, Латвия, Туркменистон, Украина, Шанхай кутубхоналари билан Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури асосида имзоланган ҳамкорлик шартномалари бўйича халқаро алоқалар олиб бормоқда. 2014 йил давомида кутубхонанинг 15 нафар мутахассиси ўз йўналиши бўйича хорижда маълумка ошириб қайтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмағида Миллий кутубхонада Корея Миллий кутубхонаси ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида «Корега нигоҳ» ўқув хонаси ташкил қилинди ва 3 мингдан зиёд китоб, техника жиҳозлар ҳамда зарур анжомлар билан таъминланди.

Инсон тарбиясида, унинг дунёқарашини шакллантиришда китобнинг аҳамияти беқиёсдир. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси маърифат қошо-наси, зиё маскани сифатида ана шундай улуг мақсадларга хизмат қилиб келмоқда. Қайси мамлакатнинг аҳолиси китобсевар, юксак маънавиятли бўлса, унинг келажоги ҳам порлоқ бўлади.

Суҳбатдош: Нуруллоҳ ДОСТОН

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т. КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN». грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонны



АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

РЕКЛАМА

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ

2015 йил 29 апрелдан 1 майгача «Ўзэкспомарказ» мажмуасида, соат 9:00 дан 17:00 гача ўтказиладиган Тармоқ саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасидаги холдинг компанияси стендига

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Хизматлар лицензияланган.

ИХТИРО

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан пахта териш унумдорлигини оширишнинг янги усули яратилди.

ТЕХНИКА УЗЛУКСИЗ ИШЛАЙДИ



— Бизга маълумки, пахта териш жараёнида машина шпинделига гўза барғидаги шира ёпишиб, иш қobiliяти камаяди. Бунинг оқибатида пахта териш машинаси тўхталиб, шпиндели тозаланади. Бу эса иш унумдорлигини пасайишига олиб келади. Шунингдек, пахта териш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. — дейди мазкур институт катта илмий ходими Саъдулла Ўсаров. — Биз таклиф қилаётган агрегат эса кун давомида узлуксиз ишлайди. Бу пахта териш машинасига шпинделни сув билан ювиш ўсқунаси ўрнатилади. Агрегат пахта қаторини яқунлаб, янги қаторга тушаётган вақт оралиғида махсус ювиш тўғмаси орқали шпиндел суви билан тозаланади. Бу эса мазкур техниканинг кун давомида, узлуксиз ишлашини таъминлайди...

Ушбу ихтиро тажрибадан муваффақиятли ўтган ва қурилмага патент олинган.

Шухрат ИСЛОМОВ тайёрлади.

ОБ-ҲАВО 23-24.04 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+12 / +17 +17 / +22

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+15 / +20 +30 / +35

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+15 / +20 +28 / +33

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+15 / +20 +32 / +37

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+13 / +18 +27 / +32

Тошкент шаҳри

+18 / +20 +31 / +33

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон +18 / +18

Париж +22 / +21

Москва +12 / +11

Мадрид +24 / +23

Пекин +28 / +29

Канберра +17 / +14

Рим +22 / +22

Афина +19 / +19

Токио +23 / +22

Стокгольм +14 / +13

Кейптаун +24 / +29

Қоҳира +24 / +24

Гавана +35 / +34

Вашингтон +15 / +16

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Гулниса Бойхоновага падари бузуқворуи Абдуғаффор БОЙХОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 28 апрель, сешанба кuni чиқади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459

18 272

nussada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.40

Topshirilgan vaqti — 22.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7720107633006

1 2 3 4 5